



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 9 » iyun

№ 358

Toshkent sh.

Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг “Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига мувофиқ, шунингдек гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларига нисбатан утилизация йиғимларини йиғиш, ҳисоблаш, тўлаш, ундириш, шунингдек, утилизация йиғимининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини қайтариш ва уларни ҳисобга олиш тартиби;

транспорт воситаларининг чиқиндилари билан ишлаш инфратузилмасини ташкил этиш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, транспорт воситалари чиқиндиларини йиғиш, ташиш, қайта ишлаш, зарарсизлантириш, улардан фойдаланиш ва утилизация қилиш харажатларини қоплаш тартиби;

транспорт воситаларининг утилизацияси билан шуғулланадиган ташкилотлар учун экологик ва техник талаблар ҳамда саноат хавфсизлиги талабларини белгилаш;

транспорт воситаларининг утилизация қилиниши муносабати билан уларни ички ишлар органларида тўловлар ундирмай ҳисобдан чиқариш тартиби.

Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзинорар машиналар
ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш,
қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган транспорт воситалари
ишлаб чиқарадиган (йиғадиган, тайёрлайдиган) жисмоний ва юридик шахслар
томонидан утилизация йиғимини тўлаш
СХЕМАСИ**

Босқич	Тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддати
I босқич	Маҳаллий ишлаб чиқарувчи солиқ органига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган транспорт воситалари бўйича утилизация йиғими ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этади	Ишлаб чиқарувчи, Давлат солиқ қўмитаси	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санадан кечиктирмай
II босқич	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилган транспорт воситалари бўйича утилизация йиғимини тўлаш	Ишлаб чиқарувчи	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай
III босқич	Утилизация йиғимининг тақдим этилган ҳисоб-китобларида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган ҳолатда, утилизация йиғими тўловчисига уларни қайта ҳисоблаш ва (ёки) тегишли ҳисоботга тузатишлар киритиш талабномасини юбориш	Давлат солиқ органи	Қарздорлик юзага келганлиги факти аниқланган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай
IV босқич	Утилизация йиғими бўйича тафовут тўлаш ёки ортиқча тўланган маблағларни қайтариш	Ишлаб чиқарувчи ёки Молия вазирлиги	Ўн беш кунлик муддатда

